# ШУКРОНА ТУЙҒУЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

... — Баҳоуддин Нақшбанднинг олдиларига бир йигит илм истаб келибди, — деди Мақсуд ота қўлидаги пиёладан чой ҳўпларкан, — шунда Ҳазрат, бўтам қандай ҳунарингиз бор, деб сўрабди. Ҳунарим йўқ, мен илм олмоқчиман, дебди йигит. Шунақа денг, бўлмаса сизга шунча муҳлат, бирорта ҳунар ўрганиб келинг, дебди. Пирим, мен илмли бўлмоқчиман, ҳунарманд эмас, дебди ҳалиги ғўр йигитча. Ҳазрат кулимсирабди. Келгусида рўзғор тутиш, бола-чақа қилиш ниятингиз бордир-а, ҳа балли. Сиз ҳунар ўргансангиз, у бола-чақа ғизоси учун асқотади. Акс ҳолда олган илмингизни тирикчилик йўлида хор қиласиз, дебди. Яна айтишларича, Темур бобомизнинг давлати ҳунармандчилик орқасидан кучайган экан. Ўша даврларда бир ҳунармандга етти ҳунармандни тарбиялаб вояга етказиш топширилар экан. Кейин эса ҳалиги вояга етган етти ҳунармандннинг ҳар бирига ҳам еттитадан йигитни касб-корли қилиш вазифаси бериларкан. Шу тахлит бутун мамлакат ҳунармандлар юртига айланган ва бойиб кетган экан...

* * *

— Етти-саккиз ёшимдан отамнинг темирчилик дўконида айланишганман. Айтмоқчи, ёш болаларни оталари билан ишлатгани қўйишмасди. Ўшанда ҳукумат болаларга росаям раҳмдил экан-да, деб ўйлаганмиз. Аслида гап бошқа ёқда экан. Болалар ота касбини ўрганмасин, деб шунақа сиёсат юргизишган экан. Отамнинг устахонаси хилватроқ жойда бўлгани учунми, мен бемалол темирчилик касбини ўрганиб олганман. Ишқим тушгани шунчаликки, пединститутнинг физика-математика факултетига ўқишга кирган еримда, биринчи курсни охирлатмай дўконга қайтганман...

— Ҳа, албатта, баъзида афсусланиб қўяман, — деди у бермоқчи бўлган саволимни олдиндан фаҳмлагандай, — тўғри қилдимми, йўқми деб қўяман. Бироқ ота касбини тутиб ҳам кам бўлмадим. Хабарингиз бор, саккиз қиз, икки ўғилни ўқитдим, уйлаб-жойладим. Ўғилларим Алишер ҳам, Абдураҳмон ҳам олий маълумотли, ўрни келганда эса темирчиликни ҳам, иморат устачилигини ҳам қилиб кетишаверади. Қизларимнинг бири шифокор, бири муаллима, яна бошқа касбларда ишлашади. Бундан ташқари, омон бўлгурларнинг ҳаммасида битта-иккитадан ҳунар бор, чеварлик қилишади — кийим-кечак, дўппи, кашта тикишади. Турли пишириқлар, ҳолвалар пиширишади. Рўзғорлари бут, ўзлари хурсанд.

Э, хўп замонлар бўлди-да. Чорсудаги ҳунармандлар растасини қаранг: ранг-баранг бежирим бешиклар, уларнинг майда-чуйда анжомларию ёпинчиқлари терилиб турибди. Хонтахталару устал-устуллар, болалар каравотчалари... Бир тарафда сандиқсозлар, пичоқчилар, тунукасозлар... Хуллас, турли ҳунармандлар ўз молларини кўз-кўзлаб ўтиришади. Абулқосим мадрасасини-ку қўяверасиз. Қатор ҳужралар ёш-ёш йигитчалар ихтиёрида. Бири рассом, бири кандакор, бири ганчкор, бири ўймакор уста. Мис қумғону лаганлар, нақшли курсичалар, дутору танбуру чилдирмалар, қадимгилардан қолишмайдиган гулчин эшигу дарвозалар... Қай бирини айтай. Кўзингиз қувнайди... Илгари бунақа бемалолчилик қаёкда эди!..

Ўша замоннинг катталаридан бири, олтмишинчи йилларда эди чамамда, Масковда ўтириб: кетмон-петмонларни музейларга тиқинг, энди ҳамма ишни трактор бажаради, техника бажаради, деган экан. Бу гапни эшитиб отам раҳматли кулгандилар: Э, хом сут эмган банда, одамзот тирик экан кетмон ҳам, болта, теша, ўроқ ҳам керак бўлади. Ҳали у ҳовлиқма жиловга тушиб қолади, дегандилар.

Қаранг-да, Довуд алайҳиссалом ҳам пайғамбар, ҳам подшо бўлган. Лекин темирчилик билан ҳам шуғулланган. Темирчилик орқасидан тирикчилик ўтказган. Демак, ҳунармандннинг топгани она сутидек ҳалол ҳисобланган. Мударрислар ҳам, амалдору, сипоҳлар ҳам, шариату тариқат пешволари ҳам бариси илму амалидан ортиб бир касб-ҳунар билан шуғулланган... Бунинг ҳикмати катта-да, иним...

Мақсуд ота тин олди. Кейин жилмайди.

— Гап билан бўлиб таомни ҳам кутдириб қўйибмиз-ку! Қани олинг, барака топгур келинлар роса пазанда-да, қаранг, норининнинг хамирини соч толасидек қилиб юборишган. Ошпазлик ҳам ҳунар. Ҳунар бўлгандаям энг пешвоси. Нима дедингиз?.. Телевизорда кўриб ажабланиб ўтираман, қайси мурватини бураманг овқат тайёрлашни ўргатиб туришган бўлади. Э, барака топгурлар, кимга ўргатасиз овқат пиширишни, дегим келади. Кейин, ҳа майли, буям бир томоша-да, балки керакдир, деб қўяман.

Таомдан сўнг яна суҳбатимиз қўр олади.

— Шу десангиз, ғайрат бору, қувват йўқ-да, иним, — дейди ота жилмайиб. — Чорсудаги устахонамга бориб, шогирдларим ёнида коржома кийиб, бир-икки болға урган бўламан. Илгариги шаҳдим йўқ барибир. Кўнгил тушмагур бўлса кексаликни тан олгиси келмайди...

Мақсуджон отанинг армонини тушунаман. У бугунгидай эркинлик замонида ишлагиси, тер тўккиси келади. Эл-юрт эъзозида бўлган, ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимояланган, қатор имтиёзларга эга бўлган ҳунармандлар, тадбиркорлар сафида тургиси келади...

— Шундай қилиб, — Мақсуд ота бир дамлик сукутдан сўнг кулимсираб гап қотди, — дегрез ўғлиман денг. Битта қавмдан эканмиз-да.

— Ҳа, шунақа экан, — дедим мен ҳам ҳозиржавоблик билан. — Айтардим-ов, биз бежизга учрашмаганмиз, деб.

— Албатта-да. Ҳамма нарсада ҳикмат бор... Бундай ўйлаб қарасам, мана шу қўни-қўшниларимда ҳам ота-боболари ҳунарманд ўтмаган бирорта оила йўқ. Халқимизнинг қўли гул. Нонини, ризқу рўзини ҳамиша пешона тери, ҳалол меҳнати билан топиб келган. Фақат унга адлу инсоф кўрсатилса бас. Худога шукр, бизга шундай одил замонда яшаш насиб этди.

Мен сизга айтсам, ҳақиқий тадбиркор Юртбошимизнинг ўзлари экан. У кишининг аввал бошдан ақл билан, тадбир билан иш юритиб келаётганини кузатиб қойил қоламан. Деҳқонга ер берди, экин-тикин қил, деди. Боғбонга ер берди, дарахт экkин, боғ ярат, деди. Тижоратчига тижоратингни йўлга қўйгин, ҳунармандга ҳунарингни кўрсат, деди. Ҳалиги умуммулк, жамоавий меҳнат деган нарсалардан халос қилди. Ер, мулк хусусий бўлгач, одам боласи ҳаракатга тушар экан. Меники деганни меҳри бўлак бўларкан-да. Булардан ташқари, яна илмга кенг йўл очди. Ёшларни хорижга бориб ўқишигача шароит яратиб берди. Дунё кўрганни дунёси ҳам кенгаяди-да. Санъаткорми, спортчими... хуллас, ҳар кимга Худо берган иқтидору уқувини юзага чиқаришига шароит яратиб берилди... Энди натижани қаранг, ҳамма соҳада хайрли бир ўсиш. Кечагина бир йигитимиз ё қизимиз четга чиқиб ўз илми ҳунарини, ё куч-қувватини, ёки бўлмаса санъатини намойиш қила олармиди?! Йигирма йилда қад кўтарган иморатларни айтмайсизми, Ҳазрати Имом зиёратгоҳини кўринг! Қадимгилардан қолишмайди. Худога шукур, ҳали йўқолиб кетмаган экан. Қонимизда, суяк-суягимизда сақланиб келган экан ҳаммаси!..

Юртбошимиз икки гапнинг бирида "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз", дейди. Тунов кунги йиғинда тадбиркорлик маҳсулотларини дунё бозорига чиқариш кераклигини айтди. Четдаги кучли давлатларда ялпи маҳсулотнинг катта қисмини хусусий тадбиркорлар етказиб бераркан-да. Бизда ҳам энди шунга ҳаракат қилинади, Худо хоҳласа. Юртбошимиз айтган кредит бериш, ягона солиқ масалалари йўлга қўйилса, айрим маҳаллий корчалонларнинг ғирромликлари бартараф этилса ўша чет элликларга тенглашиб оламиз. Бунинг учун корхона эгаси ҳам, фермеру дўкондор ҳам илмга, янги техникага суяниши, ҳалиги нима дейди, замонавий технологияларни қўрқмасдан жорий этиши керак.

* * *

Мақсуджон ота Исломқулов ҳузуридан қайтар эканман, йўл-йўлакай унинг содда, самимий фикр-мулоҳазаларини ёдга оламан. Ва эътироф этаман: йўқ, бу биргина оддий темирчи устанинг сўзлари, кўнгил кечинмалари эмас. Кўпчиликнинг, аждодлари шонли тарих яратган, бутун дунёни ҳайратга солган ва бугунги кунда ҳам улуғ мақсадлар йўлида бел боғлаган халқимизнинг кўнглидан кечаётган шукрона қалб туғёнларидир...

**Орзиқул ЭРГАШ**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ



Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб, таниқли жамоат арбоби Пиримқул Қодиров 82 ёшида вафот этди.

П. Қодиров 1928 йилнинг 26 октябрида туғилди. 1951 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факултетини тамомлади.

Меҳнат фаолиятини 1954 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи сифатида бошлади. Кейинчалик кўп йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими лавозимида хизмат қилди. 1990 — 2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан ва маданият қўмитаси раисининг ўринбосари, қўмита раиси каби масъул вазифаларда ишлаб, юртимиз илм-фани, адабиёти ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Ёркин истеъдод эгаси бўлган П. Қодиров ўзининг қарийб олтмиш йиллик серқирра ижодий фаолияти давомида муҳим ахлоқий-маънавий мавзулардаги ўнлаб ҳикоя ва қиссалари, «Уч илдиз», «Қора кўзлар», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони», «Олмос камар», «Она лочин видоси» каби романлари, «Тил ва эл», «Амир Темур сиймоси» сингари тарихий-маърифий китоблари билан адабиётимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади. Ёзувчининг асарлари асосида қатор видеофилм ва спектакллар саҳналаштирилди, унинг етук ижод намуналари кўплаб хорижий тилларга таржима қилинди.

П. Қодиров, айниқса, истиқлол йилларида фаол ижод қилди. Маҳоратли адибнинг халқимизнинг бой тарихи, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, бебаҳо меросининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ёркин асарлари, бунёдкор замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги туб янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ҳақидаги публицистик мақолалари кенг жамоатчиликнинг эътиборини қозонди.

П. Қодиров бир неча бор Олий Мажлис депутатлигига сайланиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди, илм-фан ва маданият, миллий маънавиятимизни янада ривожлантириш борасида жонбозлик кўрсатди.

Тажрибали адиб, жонкуяр ташкилотчи сифатида халқимиз ўртасида миллий ғоямиз тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она-юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда сидқидилдан меҳнат қилди. Кейинги йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида проза кенгаши раиси сифатида фаолият юритди. У кўплаб ёш истеъдод эгаларининг талабчан ва меҳрибон устози эди.

Пиримқул Қодировнинг ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» ва «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, шунингдек, "Эл-юрт ҳурмати» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли адиб, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Пиримқул Қодировнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, А. АРИПОВ, Х. СУЛТОНОВ, А. ОРИПОВ, Б. АЛИМОВ, А. РАСУЛОВ.**

# ҚОДИРИЙНИ ИЛҲОМЛАНТИРГАН АСАР

Тақриз

"Янги аср авлоди" нашриёти "Тарихий мерос" туркумида «Мунтахаб ат-таворих» (Тарихдан сайланма) номли асарни чоп этди. Асар таржимони, кириш ва изоҳлар муаллифи тарих фанлари доктори Шодмон Воҳидов.

«Мунтахаб ат-таворих» асарининг муаллифи Муҳаммадҳакимхон ибн Маъсумхон тўра Қўқон тарихнавислик мактабининг йирик намояндаси бўлган. У ҳақидаги маълумотлар, асосан, ушбу ёзма ёдгорликда ҳамда ундан кейин ёзилган Қўқон тарихчилари асарларида келтирилган. Шунингдек, мазкур тарихий манба ва унинг яратувчиси ҳақида А.Қодирий, А.А.Семенов, А.Қаюмов, А.Мухторов, Б.Аҳмедов, Э.Хуршут, Ш.Воҳидов каби адиб ва олимлар қимматли фикрлар билдиришган. Чунончи, академик Азиз Қаюмов Муҳаммадҳакимхон тўра қаламига мансуб "Мунтахаб ат-таворих" кўп жиҳатлари билан "Бобурнома"га ўхшашини айтган. Таниқли олима Музайяна Алавия ўз хотираларида машҳур адиб Абдулла Қодирийни эслаб, шундай ёзган: "1935 ёки 1936 йил эди. Бир куни Абдулла акани қизиқ бир ҳолатда кўрдим. Хонасида узоқ ўтириб, китоблар орасидан чиқиб келди. Кўзлари йиғлагансумон, аммо руҳи баланд эди. Ҳайрон бўлиб қолганимни сезиб: "Ўйлаб юрган романимни ёзиб битирсам, китоб бўлиб чиқса, қўрқаманки, "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён"ни ҳеч ким ўқимай қўядими дейман", деди.

Адибнинг режасига кўра, бу романда Туркистон хонлари Амир Умархон, ўғли Муҳаммад Алихон ва амир Насруллоҳ ўрталарида бир гўзал канизак туфайли бўлиб ўтган фожиали тарих баён қилиниши лозим эди.

Адибнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий ҳам "Отамдан хотира" китобида шундай ёзади: "Дадамнинг шундай деганлари ёдимда: "Романга керакли материаллар етарли бўлиб қолди. Энди Тошкент Шарқ кутубхонасида Умархоннинг жияни ёзган, ўша давр тарихига оид нодир бир қўлёзма бор экан, шу китобни ҳам ўтириб бир ўқиб чиқсам, бас. Уй-рўзғор ишларидан хотиржам бўлиб олиб, бир қиш ўтирсам, романни ёзиб битираман...".

Манбашунос олим Энвер Хуршут томонидан "Мунтахаб ат-таворих" асари махсус ўрганилган. У ўз тадқиқотларида асарнинг нусхалари, унинг манбалари, тарихий ва адабий манба сифатидаги аҳамияти, мемуар жанридаги нодир асар экани ва Ҳакимхоннинг саёҳатларини кенг таҳлил қилган.




«Мунтахаб ат-таворих» асарини Муҳаммадҳакимхон форс-тожик тилида Китоб ва Шаҳрисабз шаҳрида 1843 йилнинг ёзларида ёзиб тугатган. Унинг илова қисми эса 1844 йилнинг охири ёки 1845 йилда ёзилгани борасида ҳам ишонч билан фикр билдириш мумкин. Муаллиф нусхасидан 1843 йили ўнта нусха кўчирилгани ҳам маълум. Муҳаммадҳакимхон асари хонлик ҳудудларида кенг тарқалишидан манфаатдор бўлгани учун ундан нусхалар кўчиришга анча саъй-ҳаракат қилган. «Мунтахаб ат-таворих»нинг ўзбек тилидаги қисқартирилган таржимаси ҳам мавжуд. Изланишлар натижасида маълум бўлдики, ўзбек тилидаги ушбу нусха асл форс-тожик тилидаги матнидан анча йироқ, унда кўплаб хатолар, воқеа ва саналарнинг чалкашлиги, таржимон(лар) томонидан муаллиф услубини соддалаштириш ёки матнга ўзгартишлар киритиш ҳоллари ҳам кўзга ташланади.

Бугунги кунда «Мунтахаб ат-таворих»нинг Ўзбекистон, Тожикистон ва Россия қўлёзма хазиналарида 12 та нусхаси мавжуд. Улардан №С 470 (Россия), №63 (Тожикистон) ва №592 (Ўзбекистон) нусхалари матнларнинг тўлалиги ва яхши сақланганлиги билан ўз қимматига эга қўлёзмалар ҳисобланади.

Асарнинг Шаҳрисабзда Муҳаммадамин котиб томонидан кўчирилган бир нусхаси факсимилеси икки жилдда 1984 йили Душанбеда чоп этилди. 2006 йили Муҳаммадҳакимхон асарининг иккинчи жилди араб ёзувида Токиода ҳам нашр этилди. "Мунтахаб ат-таворих" нусхаларидан Санкт-Петербург нусхасида (С 470) илова ҳам бор. Бу илова ҳам Муҳаммадҳакимхон қаламига мансуб бўлиб, унда Шералихон даври (1842 — 1845) ҳамда Худоёрхоннинг тахтга чиқиши баён этилган.

«Мунтахаб ат-таворих»нинг манбалари жуда кўп бўлган. Қўқон тарихчиларининг асарлари форс-исломий тарихнавислиги асосида шаклланган бўлиб, уларда умумжаҳон ва локал (маҳаллий) тарихга бағишлаб ёзилган асарлар учрайди. «Мунтахаб ат-таворих»да муаллиф тарихни олам ва одам яратилишидан бошлаб, XIX асрнинг ўрталаригача баён қилган. Шу боис, тақдим этилаётган маълумотларнинг дастлабки қисми бошқа кўплаб тарихий ва адабий манбалар асосида битилганки, улар оригиналлик касб этмайди. Асарнинг қолган қисми учта мавзуга, яъни Бухоро манғитлари тарихи, Қўқонда ҳукм сурган минглар сулоласи ҳамда муаллифнинг чет элларга саёҳати баёни бўйича тақсимланган. Бу маълумотлар Муҳаммадҳакимхоннинг ўз қаламига мансуб қимматли манба ҳисобланади.

Тўғри, Муҳаммадҳакимхон ўз асарининг манғитлар қисмини ёзишда Муҳаммадвафо Карминагий ва Олимбек ибн Ниёзқулибек қаламларига мансуб «Туҳфат ал-хоний», Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақийнинг «Тож ат-таворих» ва бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланган. Бунга асарни тадқиқ қилган олим Э.Хуршут ўз вақтида аниқлик киритган эди. Шунингдек, Муҳаммадҳакимхон ўша давр воқеаларининг бевосита иштирокчиларидан ҳам талайгина маълумотларни қўлга киритган ва муаллиф бу фактни "Мунтахаб ат-таворих"да махсус қайд этиб ўтади.

Минглар ва манғитларнинг ҳукмронлиги тарихига оид маълумотлар ўта муҳим ва бирламчи манба сифатида биз учун қимматлидир. Шунинг учун ҳам мазкур манба Қўқон тарихнавислик мактабида (Бухоро тарихнавислигида ҳам) ўзининг оригиналлиги ва расмий тарихчи томонидан ёзилмагани билан фарқланиб туради.

Асар муаллифининг саёҳат ва эсдаликлари тафсилоти ҳам, шубҳасиз, қимматли манба бўлиши билан бирга, уларнинг адиб тилидан жонли ва таъсирчан услубда баён қилиниши асарга бадиийлик бағишлаган. Муаллиф қисмати маҳорат билан бадиий бўёқларда ифодаланган "Мунтахаб ат-таворих"ни ўзига хос саргузашт-роман, дейиш ҳам мумкин. Китобда муаллиф учун манба вазифасини бажарган нуфузли шахсларнинг мактублари ҳужжат сифатида ҳавола этилганки, бу асарнинг тарихий қимматини янада ошишига хизмат қилган.

Булардан ташқари, асарда муаллиф аллома ва адиблардан Ибн Сино, Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий, Паҳлавон Маҳмуд, Низомий, Алишер Навоий, Бедил, Хусрав Деҳлавий, Иноятуллоҳ Канбу, Аҳмад ибн Юсуф, қўқонлик шоирлар Фазлий, Акмал Шер Хўқандий, Нусрат, Беҳжат, Амирий шеърларидан намуналар келтиради. Асарнинг бадиий безаклари сифатида форс-тожик, ўзбек, араб халқларининг мақол ва масалларидан унумли фойдаланилган. Э.Хуршутнинг аниқлашича, муаллиф ҳатто битта хитой халқ мақолини ҳам келтирган.

"Мунтахаб ат-таворих"нинг тарихий манба сифатидаги аҳамиятига тўхталиб яна шуларни айтиш мумкинки, асл касби тарихчи бўлмаган, бироқ замонасининг маълумотли ва зукко, зиёли шахси бўлган Муҳаммадҳакимхон ўз асарида умумжаҳон тарихини энг қадим замондан ўзи яшаган давргача кенг ёритиб беришга ҳаракат қилган. Мазкур асарнинг аштархонийларгача бўлган даври муҳим тарихий манбалар асосида (компилятив тарзда) ёзилган. Бироқ асарнинг бу қисмларида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Бу асар XVIII асрнинг иккинчи ярми XIX асрнинг 40-йилларигача Бухоро амирлиги (манғитлар даврига оид) ва Қўқон хонлиги тарихи (минг сулоласи даври)-ни ёритишда бирламчи ва муҳим манбадир. "Мунтахаб ат-таворих" тарихий-биографик ва мемуар асар сифатида ҳам Қўқон тарихнавислик мактаби ва адабий муҳитида алоҳида ўринга эгадир.

Абдулла Қодирийдек улуғ адибни ҳаяжонга солган, зиёлилар орасида овоза бўлиб келган ушбу машҳур тарихий асар нашр этилиб, китобхонларимизга тақдим қилингани қувонарли, албатта. Асарни таржима қилиб, унга кириш сўз ёзган, нашрни изоҳлар билан таъминлаган тарих фанлари доктори Шодмон Воҳидов меҳнати эътирофга лойиқ. Исмлар, жой номлари, унвон ва мансаблар ҳамда этник номларнинг кўрсаткичи берилгани ҳам нашрнинг қимматини оширган.

**Ўктам СУЛТОНОВ,**
**Тўлқин ХУДОЙҚУЛОВ,**
**тарих фанлари номзоди**

# ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Муҳтарам адибимиз Пиримқул Қодиров тобути қошида видолашув сўзини айтишга чоғланар эканман, беихтиёр устоз Абдулла Қаҳҳорнинг "Пиримқулнинг жуссаси кичик бўлса ҳам, унда филнинг куч-қуввати, бардоши бор" деган гаплари ёдимга тушди. Адибнинг ўзи эса "Истеъдод бу – кўпга кетадиган бардош" деган ҳикматни дуодай такрорлаб юрарди. Унинг саксон икки йиллик умри, олтмиш йиллик ижодий фаолияти айни шу ҳикмат асосида кечди. Эсини танигандан бошлаб қабоҳатга нафрат, эзгулик, ҳақиқат, адолат, эрк тантанаси ғами унга тинчлик бермасди, қўлига қалам олар экан, илк асарларидан бошлаб адолат жарчиси сифатида майдонга чиқди. Уни элга танитган романи "Уч илдиз" Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, "ўзбек адабиётига момақалдироқдай гулдурос солиб, чақмоқдай ялтиллаб кириб келди". Ёзувчининг ўзи гувоҳ бўлган яқин ўтмишдаги тарихий жараёнларнинг қайноқ изидан бориб 1957 йили ёзилган бу роман миллий адабиётимизда, балки собиқ иттифоқ адабиётида мудҳиш қатағон оқибатларини биринчилардан бўлиб акс эттирган йирик асардир.

"Уч илдиз"нинг яна бир муҳим жиҳати, унда адиб ўтган аср 50-йиллар шароитида янги тарихий вазият таъсирида шакллана бошлаган соғлом кучлар, хусусан, ўзига тенгдош, замондош ёшларга, аниқроғи, мустабид тузум етиштирган демагог, шафқатсиз даҳшатли кучларга қарши тура оладиган, ижтимоий адолат, инсон қадри, эрки, шаъни учун дадил курашга отланган Маҳкам, Гавҳар сингари ёшларга хос хислатларни алоҳида самимият, меҳр-муҳаббат билан қаламга олади; чин маънавият инсоний камолотнинг бош омили – бақувват илдизлари эканига алоҳида урғу беради. Илк романида намоён бўлган бу хил тамойиллар адибнинг кейинги "Қора кўзлар", "Қадрим", "Эрк", "Олмос камар" каби замондошлари ҳаётидан олиб ёзган асарларида ўзгача кўринишда, янада юксакроқ бадиий ифодасини топди.

Замондошлари ҳақидаги роман, қиссалари адиб ижодининг бир қаноти бўлса, тарихий мавзудаги романлари иккинчи қанотини ташкил этади. Университетда Шарқ тарихи бўйича таълим олган, фан номзоди – адабиётшунос олим, бадиий тил тадқиқотчиси сифатида танилган ёзувчимиз фикр-хаёлини ҳамиша халқимизнинг шонли ўтмиши, жаҳонни лол қолдирган буюк сиймолари ҳаёти мафтун этиб келарди.

Ниҳоят, замонавий мавзудаги асарлари орқали каттагина адабий тажриба тўплаган адиб 60-йиллар охирига келиб зўр жасорат билан улкан ва қалтис бир мавзуга қўл урди: Темурбек наслининг шонли сиймоларидан Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи кенг кўламли эпик полотно устида иш бошлади. Илҳом тўла машаққатли ижодий меҳнат, шижоат самараси ўлароқ йигирма йил ичида "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони" майдонга келди. Очиғи, ўзбек адабиётида бу қадар кенг қамровли тарихий романлар яратилмаган эди. Юз йилдан ошиқроқ давр, даврнинг энг муҳим ҳодисалари, Турон, Афғонистон, Ҳиндистон тарихининг ғоят чигал драматик воқеалари, юзлаб тарихий шахслар, давлатлар, тождорлар, авлодлар алмашинуви, ўнлаб тарихий шахслар, ғалаба, инқирозлар, давр ғоялари, турли хил эътиқодлар, оддий меҳнат аҳлининг аҳвол-руҳияти, ҳар хил миллат удум-тамойиллари, ғоят катта ҳудуд иқлиму жуғрофияси – буларнинг барчасини бор ҳолича кўриб, юракдан ҳис қилиб аниқ тасвирлаш, жонли гавдалантириш осон иш эмас!

Энг муҳими, кенг эпик полотнонинг ўқ томирини Бобур – Ҳумоюн – Акбар, яъни бобо – ўғил – набира орасидаги ибратомуз муносабатлар ташкил этади. Атоқли француз тарихчиси Э. Ренан буюк Темурий тождорлар Бобур – Ҳумоюн – Акбар орасидаги оқилона ворислик жаҳон тарихида фақат бир мартагина содир бўлган нодир ҳодиса деб таърифлайди. Дарҳақиқат, Бобур ҳалокатга юз тутган Темур салтанатини янги асосда қайта тиклашга муяссар бўлди, бу билан бобокалони Темур руҳига мислсиз садоқатини намоён этди, унинг садоқатли, фидойи ўғли Ҳумоюн эса отаси асос солган салтанатни бало-қазолардан омон сақлаб қолди, ниҳоят, набираси Акбар бу салтанат довруғини жаҳонга ёйди. Муаллиф айни шу ибратомуз ҳодиса моҳиятини теран бадиий таҳлил этиб, улкан эпик полотнонинг пафоси даражасига кўтарди.

Қарангки, мана шу эзгу ижодий жасорат мустабид тузум таъқибу тазйиқлари шароитида, тарихий ўтмишимизни нуқулгина зулматдан иборат деб аташ урф тусини олган, ҳар куни "Ким эдик тарихда бизлар, номи қул, қашшоқ, гадо" деган бўҳтон, ҳақоратдан иборат қўшиқ сўзлари янграб турган кезлари амалга ошди.

Тарихимизнинг туб бурилиш палласи 1991 йил – миллий адабиётимиз учун буюк имтиҳон, сарҳисоб палласи бўлди. Шўро даврида битилган, даврнинг ўткинчи, алдамчи ғоялари билан булғанган сон-саноқсиз "асар"лар ортда қолиб кетди. Чин истеъдод, олижаноб ғоялар нури билан йўғрилган асл санъат намуналари қаторида Пиримқул Қодировнинг сара асарлари, жумладан, тарихий романлари ёруғ юз билан истиқлол айёмига кириб келди, улар қайта-қайта чоп этилиб бугунги куннинг улуғ ғояларига хизмат этмоқда.

Истиқлол йилларида адибимиз давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам танилди. Айни пайтда ижодий фаолиятини изчил давом эттирди. Мураккаб ўтиш даврида матбуотдаги чиқишлари, публицистик мақолалари орқали қатъий туриб истиқлол ғояларини ҳимоя қилди, топталган миллий-тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида жонбозлик кўрсатди. Унинг тарихий ўтмишдан олиб ёзган "Она лочин видоси" романи, "Тил ва эл", "Амир Темур сиймоси" илмий бадиалари айни шу эзгу ғоялар руҳи билан йўғрилган.

Адиб умри сарҳисоби чоғи дадил айта оламизки, ҳақиқат, адолат, эзгуликка садоқат ва бу йўлдаги фидойилик, бардош адибнинг бутун ҳаёт йўлида ҳамиша маёқ бўлиб келди. Бу ноёб фазилат озод мамлакатнинг янги авлоди, истиқлол фарзандлари, хусусан, ёш ижодкорлар учун ибрат намунаси бўлиб қолажак.

**Умарали НОРМАТОВ**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Пойтахтимизнинг Миллий санъат марказида анъанавий "Йил аёли —2010" миллий танлови якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Рўзғор иши билан бирга фарзанд тарбиялаб, маърифий даражасини оширадиган, интеллектуал салоҳиятли аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур танлов илк бор 2007 йили ўтказилган эди.

Бу йил танлов низомига "Оилавий қадриятлар посбони", "Мурувват элчиси", "Миллий анъаналар давомчиси" ҳамда "Йилнинг бизнес кашфиёти" каби йўналишлар киритилди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Чирчиқ шаҳридаги болалар тиббиёти маркази бош шифокори Саида Мирзараҳимова бош совринни қўлга киритди ва "Матиз" автомашинаси билан тақдирланди.

* * *

Тошкент Фотосуратлар уйида Нодир Норматовнинг "Қишлоқ томон йўл" кўргазмаси очилди. Унда муаллифнинг олтмишга яқин бадиий фото ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Мазкур кўргазма орқали унинг яна бир ижод қирраси намоён бўлди. Кўргазмадаги суратлар муаллифнинг Сурхондарёнинг олис қишлоқларию кенгликларига қилган саёҳатлари тўғрисида ҳикоя қилади. Сурхон воҳасининг содда, меҳнаткаш кишилари, дилкаш қариялар, шўх-шодон болалар гўзал фотолавҳаларга муҳрланган. Муаллиф оддий қишлоқ манзараларини муҳаббат билан тасвирга туширган.

**Севара ПАЁЗОВА**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 233-57-47

# БУЛБУЛ ТИЛСИМИ

***Бугунги ўқувчи мулла Бозор охундни Бобораҳим Машрабнинг тариқатдаги биринчи устози деб билади. Лекин кўпчилик китобхонлар бу шахснинг таржимаи ҳолидан деярли хабардор бўлмаса керак. Илмий адабиётларга кўз югуртирилса, худди шогирди сингари унинг ҳаёти ҳам ўзаро мос тушмаган турли ахборотлар қоришиғидан иборат экани аён бўлади. Баъзи тадқиқотларда унга оид қисқача маълумотлар учрайди, айримларида эса номигина қайд этилади. Бозор охунд ким ва қачон яшаган? Қайси тариқат вакили? Бу саволлар ҳозиргача қарийб жавобсиздир. Тарихий манбаларда бу тўғрида қандай гап-сўзлар бор?***

Тадқиқот, ахборот

Бозор охунд ҳақидаги илк илмий хабарлар Н.С. Ликошиннинг "Девонаи Машраб" таржимаси тадқиқот қисмида берилади. У Машрабга оид маълумот излаб, мурожаат қилгандан сўнг Чуст шаҳри қозиси домулла Масъуд махдум, қозикалон Муҳаммад Мурод ва шайх ул-ислом Нодим унга ахборот тўплаб беради. Улар орасида Бозор охунд шажараси ҳам бор эди. Шажарада Бозор охунд насаби имом Ҳанафия орқали ҳазрати Алига етиши таъкидланади. Бозор охунднинг отаси Султон Муҳаммадхон эди. У даставвал ҳазрати Султон Аҳмад Яссавий юртида яссавия тариқати вакилларидан таълим олади ва кейинчалик Кўқонга кўчиб келади. У ерда бир неча муддат яшаб, Наманганга ўтади ва ўша жойда муқим бўлиб қолади. Унинг Убайдуллоҳ хожа, Олим хожа исмли ўғиллари бор эди. Убайдуллоҳ хожа ўз даврида Подшо Бозор охунд номи билан шуҳрат қозонади. Унинг қол ва ҳол илмидаги биринчи устози, шубҳасиз, отаси эди. У яссавия тариқати мактабида сабоқ олиб вояга етади.

Абдурауф Фитрат "Машраб" мақоласида Бозор охундни: *"Бухороли Баҳодур эшоннинг муриди бўлған Охунд мулла Бозор наманганли бўлуб, Фарғонада машҳур ва маълум бир мулла бўлған, қабри бу кун Наманган шаҳридадир"*, деб қисқагина тавсифлаб ўтади. Кейинги тадқиқотчилар кўпроқ Н.С.Ликошин маълумотларидан фойдаландилар ва XX аср илмий адабиётида Бозор охунднинг вафоти, асосан, 1668 йил деб кўрсатилди.

Бу сана абжад ҳисоби билан *"Булбул бирафт аз боғи илм"* ("Булбул илм боғидан кетди") сатридан олинган. Н.С. Ликошин худди шу таърихга асосланган ва уни биринчи бўлиб жамоатчилик эътиборига ҳавола қилганди. ***Тадқиқотимиз мазмунини мана шу бир неча сўздан иборат бир сатргина матн ҳақидаги мулоҳазалар ташкил этади.*** Ундаги *"аз боғи илм"* жумласидан ҳ. 1143 йил(1730-1731) ҳосил бўлади. Н.С. Ликошин абжад ҳисобини аниқлаш учун *"булбул"* сўзида жамланган 64 рақамини 1143 сонидан олиб ташлайди. У мисрани рақамлар билан *"64 кетди 1143дан"*, деб ўқийди. Оқибатда ундан ҳ. 1079 йил(1668 июн — 1669 июн) пайдо бўлади. Тадқиқотчилар рақамлар бекитилган бу сатрни Машрабга тегишли, деб ҳисобладилар. А. Абдуғафуров бир ишида: *"Чунки Машраб З. Ризаев даъво этаётган санадан 4 йил кейин — 1668(ҳижрий 1079) йилда вафот этган Бозор охундга "Булбул бирафт аз боғи илм" мисраси билан таърих ёзган"*, деб "далил" келтиради("Эрк ва эзгулик куйчилари", 116-бет).

Исматулла Абдуллаев, Шорасул Зуннунов, Ҳамидулла Болтабоев ва бошқа олимлар ишларида ҳам худди шу сана келтирилади. Муҳсин Зокиров "Эрк ва маърифат куйчилари" китобида (1984) (20 — 21-бетлар) Бозор охундни 1678 йили вафот этган, деб ёзади. Бироқ бу маълумотни қаердан олганини айтмайди. (Балки босмада 1668 сони 1678 деб хато терилган бўлиши ҳам мумкиндир, биз буни билмаймиз.) Нима бўлганда ҳам, Бозор охунд вафоти тарихга шу зайлда шубҳали саналар билан кириб қолади.

Аниқлик излаб қилинган уриниш зое кетмади. Жаноб Н.С. Ликошин "булбул"ни тушунмаган ва уни нотўғри шарҳлаган экан. Илк текширувдаёқ кутилмаган натижага дуч келдик. Абдулазиз Наманганийнинг(Мажзуб) "Тазкират улавлиё" асаридан Бозор охундга тааллуқли қуйидаги қизиқ ахборот чиқди: *"Мулла Бозор Наманганий одатда туннинг аввалида ухларди. Уйқудан туриб, таҳажжуд намозини адо этарди-да, бир соат "Ҳидойайи шариф"ни ўқир ва кейин "Каломи шариф"ни тиловат қиларди. Бир кеча тиловат пайтида ғайбдан "Қуръонхонлигингдан безор бўлдим", деган овоз эшитди. Уч кунгача шундай овоз келиб, у ақл-ҳушини йўқотди ва Бухоро тарафга равона бўлди. Бухорода ошпазга шогирд тушди.*

*Мирзо Баҳодур бир куни Регистонга келиб айланди ва ошпазнинг уйига кирди. Ошпаз лалида(лаганда) ош келтирди. У ошдан бир сиқим еди ва қолганини ошпазга қайтариб берди. "Буни ол, ошингни нима қиламан? Сенинг бир шогирдинг учун келдим. У шогирдинг бўладиган йигит", деди. Ошпаз шогирдини ҳазратнинг ҳузурига келтирди. Охунд мулла Бозорни синаб кўриб, ўзи билан олиб кетди. Манзилга етгач, домулла Бозор ичкарига кирди. Икки-уч ой пир хизматида бўлди"*(ЎзР ФАШИ. 1337-рақамли қўлёзма, 68а —69а-бетлар).

Мулла Бозорни ошпазнинг уйидан олиб кетган Мирзо Баҳодур ким эди? Н.С. Ликошин, Абдурауф Фитрат у Бозор охунднинг устози эканини гапириб ўтади. Бобораҳим Машрабга нисбат бериладиган бир ғазалда ҳам у мулла Бозор охунднинг устози сифатида таърифланади:

**Маърифатнинг гулзори мулла Бозор девона,**
**Ошиқларнинг сардори мулла Бозор девона.**

**Йўқтур асло кийнаси, бахри урфон сийнаси,**
**Нури Ҳақ ойинаси мулла Бозор девона.**

**Жойларидур Наманган, Ҳақ йўлида жон берган,**
**Муридларини севган мулла Бозор девона.**

**Ичларидур тўла нур, пирларидур Баҳодур,**
**Бухорода ул машҳур, мулла Бозор девона.**

**Машраб ўзи девона, ишқ ўтиға парвона,**
**Йўл юрадур сарсона, мулла Бозор девона.**

Манбаларда мазкур шахс ҳақида баъзи маълумотлар учрайди. У кубровия тариқатининг таниқли шайхи *Мирзо Баҳодур Шербадуний ал-Бухорий* эди. Тахминан, 1640 — 1710 йиллари Бухорода яшаган. Унинг яна Лутфуллоҳ хожа(Эшон Шаҳид), Ниёз Чўқмоқий, Ҳазрати Имло каби шогирдлари тарихда машҳурдир.

Ҳижрий 1082 йили(1671-1672) кубровия тариқати муршиди Мир Шаҳобиддин Соктараги вафот этиб, раҳбарлик Мир Атоуллоҳ Соктарагига қолганди. Ундан кейин ҳ. 1100 йили(1689) Мирзо Баҳодур тариқат муршиди маснадига ўтиради(ЎзР ФАШИ. 79-5-рақамли қўлёзма, 73б-саҳифа). Худди шу пир Регистон ёнидаги ошхонага келиб, ошпазнинг "бўладиган" шогирди мулла Бозорни кубровия тариқати сари бошлаб кетганди.

Муаррих Мирза Олим Махдум Бозор охунд ҳақида шундай маълумот беради:

*"Шоҳруххонни аввал мартаба Хўқандга хонлик маснадига ўлтурганлигини тарихи ҳижрийда 1121(1709-1710) йили экан. Бир шоир бул тарихни "Зи Шоҳрух жў"(Шоҳрухдан қидир) ибдратидин топибдур.*

*Хулосаи калом, Шоҳруххон ўн икки йил хонлик қилиб, ўн учинчи йилда вафот қилибдур. Машҳур наманганлик Машрабни пири шайх мулла Бозор охунд Наманганий ул хонга ҳамаср эканлар.*

*...Яна баъзи зурафолар Шоҳруххон вафоти тарихи ҳақида баъзи алфозлар мулла Бозор охундни муридлари оғзидин чиққан экан, моддаи тарих топибдур. Анинг ҳикояси шул эканким, вафотига Шоҳруххон Хўқанд шаҳрининг қалъа ва арк биноларида наманганлик мулла Бозор охундни муридларидин бир одамни мардикор қилиб ишлатиб юрган экан. Бу хабарни мулла Бозор охунд эшитиб, ани халос қилмоқ учун Хўқандга келиб, Шоҳруххондин ул муридларини илтимос қилган экан. Хон илтимосларини рад қилибдур. Шайх хондин хафа бўлуб қайтиб, Қаровултепада бир муридларининг уйига бориб, деворга Шоҳруххон тасвирини тортиб, ўқ-ёй ила ул суратга қараб отиб, мезбонга айтибдурлар "Шоҳрух мурд" деб. Бу ҳодиса пайшанба куни жума кечаси экан. Ўша жума куни хонни кифтига бир ёмон яра чиқиб, вафот қилибдур. Бир неча кундин кейин мулла Бозор охундни бир муридлари Қаровултепаға, ўшал уйга қўнганда соҳиби хонадон ҳодисани баён қилиб, шайх жўнаганлари ҳамоно хон вафот қилди, дебдур. Анда ул сўфий жоҳил "хирс ки мурд" деган экан. Ул мезбони зариф бул иборатни ҳисоб қилиб кўрса, моддаи таърих тушубдур"* ("Тарихи Туркистон",Т., 2008, 48 — 50-бетлар).

Бу воқеа Бобораҳим Машраб вафотидан 11 йил кейин 1722 санада рўй беради. Мулла Бозор охунд бу пайтда ҳали жисмонан бақувват, ғайрат-шижоатли эди. Яна бир неча манбада бу воқеага оид шунга ўхшаш маълумот учрайди. Орадан тўққиз йил кечиб, ҳ. 1143 йили(1730-1731) мулла Бозор охунд бу ғавғоли дунёдан ўтади. Шундан сўнг унинг ўтмиш ҳаёти шу бир мисрага айланган ва маърифат гулшани булбули унга келиб қўнганди. Шарҳловчилар ҳозиргача мухлисларга: *"Бу мисрани Бобораҳим Машраб ёзган"*, дея уқтириб келмоқдалар.

Бу маълумотлар *"Булбул бирафт аз боғи илм"* сатри хатолигини англатмайди. Аксинча, Н.С. Ликошин булбул тилини тушунмасдан таржима қилгани ва кейинги тадқиқотчилар унга кўр-кўрона эргашганидан дарак беради. Ажабки, ҳеч ким мазкур сатр устида бош қотириб кўрмайди. Бу ерда *"булбул"* сўзидаги 64 рақамини 1143 сонидан айириб ташлаш учун бирор сабаб кўринмаяпти. Балки, 64 рақами мулла Бозор охунднинг ёшини ифодалар? Наҳотки, шу пайтга қадар унинг туғилган йилини вафоти санаси, деб келдик?! Бу фикр бошимга маҳкам ўрнашишга, мен уни қувишга уринардим. *"Мулла Бозор охунд 1668 йили туғилган"*, деб ёзишга сира қўлим бормади. Уни шундай ёзсам... юз йил давомида *"Мулла Бозор охунд 1668 йили вафот этган"* деб таълим олиб келаётган, бу маълумот қон-қонига сингиб кетган миллионлаб ўқувчилар ҳоли не кечаркан! *"Булбул"*ни рақамга айлантириш шартми ўзи?

Мазкур тарихий воқеалардан хулоса чиқарадиган бўлсак, мулла Бозор охунд шогирди Бобораҳим Машрабдан йигирма йил кейин ҳ. 1143 йили(1731) фоний оламдан кетади. Унинг шижоати ва Шоҳруххон ўлими ҳодисасини(1722) ёдга олайлик. Бу хатти-ҳаракатлар олтмиш ёшлардан ошган одамни эслатади. Маълумотларнинг шу каби жиҳатлари назарда тутилса, унинг ҳ. 1070-йиллар атрофида(1655 — 1660) туғилгани тахмин этилиши тўғрироқ чиқар. Шунда у 71 — 76 йил яшаган бўлади. Отасидан яссавия таълимотини ўрганиб, 25-30 ёшларида ўзи ҳам ёш шогирдлар тарбиялай бошлагандир. Мирзо Баҳодур билан 1690-йиллари учрашган бўлиши мумкин. Бу фикрлар турли манбалардаги тўртта аниқ сана(1689, 1709-1710, 1722, 1731 йиллар) ва ўша даврларда содир бўлган айрим тарихий ҳодисалар теграсида шаклланди. Ҳозирча, қанча изламайлик, 1655 — 1660 йилнинг нарёғидан Бозор охундни топиб бўлмади. Унинг ҳаётига тегишли барча маълумотлар 1689 йилдан кейинги воқеаларга боғланиб чиқаётир.

Хуллас, машрабшунослик соҳасини бир асрдан кўпроқ тарих ҳудуди ташқарисида саргардон этган ***ҳ. 1079 сана(1668)*** тўрга илинди. Шу билан бир сатр мулоҳазаси охирлагандек бўлди. У Н.С. Ликошин "булбул"ни илм боғидан қувиб, ўрнига йўқ "қисса"ни киритгани ва таърих оёғини осмондан келтиргани ошкор бўлиши билан якунланди. Ниҳоят, "булбул" тилсими ечилди... Энди "озод" тарихий майдондан Бобораҳим Машрабни қидирамиз.

**Абдусаттор ЖУМАНАЗАР**

# НОДИРНИНГ ОЙТОШИ

## ёхуд Сурхон руҳи

Ўзбекистоннинг умумхалқ маданияти ранг-баранг маданиятлар бирлашуви-ю, жамулжамидан ташкил топган. Ҳозир Конституция бўйича вилоят деб атайдиганимиз Шимол ва Жануб, Ғарб ва Шарқда жойлашган, олис тарихий йўлларни босиб келаётган ҳақиқий маънодаги ўлкаларнинг ҳар бири бугунги улуғ маданиятимизга ўз такрорланмас улушларини қўшиб келганлар ва ранг-барангликлардан иборат ягона маданиятимизни яратганлар. Чунончи, мисол учун умуммиллий маданиятимизда Сурхон руҳи, Хоразм руҳи, Қорақалпоқ руҳи, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Жиззах ва

Қалб ва қиёфа

ҳоказо руҳи яшнаб, гуркираб туришини ҳеч ким инкор этолмайди. Вилоят, тарихан олганда, ўлкалар руҳининг улуғворлиги ва ўзига хослигидан умуммиллий ўзига хослик ва улуғворлик юзага чиқади. Бу хислатлар мамлакатнинг тасодифий бўлмаган азалий улуғворлигидан бир далолатдир.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари ибтидосида бирин-сирин ҳавас қиладиган фаолликда пайдо бўлган ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг асарлари умуммиллий адабиётимизга Сурхон ўлкаси руҳи, Сурхон кишилари характерлари, Сурхоннинг (қадим Чағаниён ва Кушон, Бақтра) бетакрор воқелигини олиб кирди. Адабиётимизда бу шунчалар таъсирчан, жўшқин ҳодиса бўлдики, айни бир пайтнинг ўзида ва изма-из Менгзиё Сафаров, Рўзи Чориев, Тоғай Мурод, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Нурислом Тўхлиев, Сирожиддин Саййид, Мирзо Кенжабек, Эшқобил Шукур, Шафоат Раҳматулла, санайверсак, то янги бўғиндан Шодмонқул Саломгача Сурхон руҳини ўз асарларида изчил ва ранг-баранг бадиият ҳамда концептуалликда давом эттириб, барқ урдириб, мавжлантириб бордилар.

Етмишинчи йиллар бошида бу улуғ сафга пошхурдлик Нодир Норматов шаҳдам қадамлар билан келиб қўшилди. У журналистика, санъатшунослик, бадиий проза соҳаларида ғайрат ва муҳаббат билан ишлади – сермаҳсул ижод қилди. Бир қарашда, уни юқорида номлари саналган адиб, шоир, санъаткорлардан ажратиб олиш қийин. Ҳар ҳолда уларсиз, ва айниқса, Шукур Холмирзаев, Менгзиё Сафаров, Тоғай Муродсиз уни тўла тушуниб етиш мумкин бўлмаган ҳол. Бу номларни, уларнинг асарларини бир-бирига боғлаб турадиган мустаҳкам ришталар кўп. Риштанинг маркази эса Сурхон руҳидир. Биз биламиз, бундай дейиш нисбий: лекин бу руҳ, Сурхон-Чағаниённинг жуда қадим тарихий маданияти, халқ оғзаки ижоди, ёркин достончилиги, эртакчилиги, қўшиқчилиги – бахшичилик анъаналари, Хитой, Ҳинд, Ажам, Юнон, Рум маданиятлари билан чамбарчас боғланган томонларидан ўсиб, булоқ бойлаб чиқади. Улардан қувват олади. Сурхон руҳининг асосий мазмуни ва йўналиши — жўмардлик, тантилик, дўлворлик, ҳақчилик, очиқликда. Бу адиблар шу ўлка халқининг шу пайтгача инкишоф этилмаган, асрларча тамомила қўриқ бўлиб ётган яширин қирраларини очдилар ва ўзбек характерлари оламларини бойитдилар. Ўзбекликнинг илгари кўрилмаган олтин қирраларини йўндилар ва чархладилар. Шундан Сурхон-Чағаниён-Кушон-Бақтра бизга янада тушунарлироқ бўлди.

Дунёда энг ўткир ва инсонга нисбатан энг кескин ёзувчи бу — Шекспир. Ўткирлик, кескинликда ҳеч ким унинг олдига тушолган, ундан ўзиб кетолган эмас. Шу боис кескинликнинг инъикоси бўлган барча қаҳрамонлари – Лир дейсизми, Отелло, Ҳамлет, Яго, Макбет, Ричард III дейсизми, ҳаммаси ва ҳатто гўрков, соқчиларгача, инсоният тасаввурида бадиий-ҳаётий тимсол-матрица қаҳрамонлар худди қалам-найза билан чизилмагандай, балки болта билан ойтошдан йўнилгандай таассурот қолдирадики, замон-замонлар ўтса ҳам, ҳеч хира тортмай, ич-ичидан нурланиб туради ва боз устига, зиёси янада кучайиб боради.



Камтарин адибимиз, журналистимиз, улуғ рассом Рўзи Чориев ҳақида гўзал бир ҳужжатли биографик роман ёзган санъатшуносимиз Нодир Норматовни Вилям Шекспирга қиёсламоқчи эмасмиз. Аммо Шекспирдаги эҳтиросларнинг жўшқинлиги, сермаънолиги ва буларнинг бари жуда ўткир болта билан йўнилганлиги, очиқлиги ва табиийлигидан алланима хусусият Шукур Холмирзаевга қандай ўтган бўлса (хоҳ онгли ва хоҳ интуитив), худди шундай Нодир Норматовнинг қиссалари, ҳикоялари, эссе асарларида ҳам кўзга чалиниб туради. Унинг 1981 йилдаги илк "Бисот" қиссаси ва 1991 йилда нашр этилган "Баригал" деб номланган романи адиб Саид Аҳмаднинг назарига тушди. Устоз Нодирни алқади. Бу романда Нодир прозада янги хат топишга уринган, унда мажозийлик ва реаллик чатишиб кетгандай.

Табиат бизнинг ҳар қандайимиздан кўра очиқроқ, ҳар қандайимиздан кўра тантироқ, сирлироқ, донороқдир. Нодир ҳеч шак-шубҳасиз бир нарсага эришади: у табиий одамларни табиий қилиб тасвирлайди ва инсон қисматлари, характерларини тоғ ўрмонбегининг аниқ ҳаракат қиладиган болтаси билан тарашлайди. Шунинг учун у чизган характерлар, уларни шакллантирган воқеалар, муҳит, шароит манзаралари ниҳоятда ёмби ва қабариқ. "Бисот" қиссасидаги Қобил лашкар, "Дарахт тагидаги одам"даги лаборант, муаллим Эсонбой, "Муқаддас балиқлар эгаси"даги зоология ўқитувчиси Ўтамурод, "Жазо" асаридаги Майрам, "Исмоил тоға тарозиси"даги Раимбой ва Қудратов, "Ёзги момақалдироқ"даги Маматмирзо, "Кар момо"даги Аъжуба кампир — булар ва уларнинг ён-атрофидаги одамлар бари ўта табиий ва очиқ, қабариқ характерли одамлар. Уларнинг хатолари, олижанобликлари, фожиалари, драмалари ҳам қабариқ. Нодир Норматов уларни заррача безаб-бежаб, чиройли қиламан деб ўтирмайди, бунга ҳатто андак бўлсин, уриниш ҳам йўқ. У табиий ҳодисаларнинг табиий мақомини топиб чизади. Шу холос.

"Чизиш" сўзи Нодир Норматовнинг бадиий усулига ғоятда мос, бу усулни росмана характерлайди. У батафсил узоқ тасвирдан кўра чизишни яхши кўради, зеро, чизишда ҳам чизиш бор — Нодир характер қирраларини кесма пунктир билан чизади. Воқеалардан воқеалар шундай кесма пунктирларда туғилиб, бир-бирига ғулув билан уланиб боради. Бунда, табиийки, баёнда парокандалик хавфи ҳам туғилади, воқеанинг боши, давоми ва охирига боғланмай қолиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо ёзувчи қандайдир ўзига маълум ҳикоя қилиш заҳираларини бизга билинтирмайгина қўллаб, сюжет ва композицияда яхлитлик, бутунликка эришади. **Кесма пунктир воситасида ҳикоя тарзида эришилган бутунлик – Нодирнинг ёзувчилик маҳорати ва бадиий услубининг ўзига хос, уни бошқалардан ажратиб турадиган кўзга кўринарли қиррасидир.** Мабодо, уни табиий услуб деб аташ ва юритиш мумкинмикин? Яъни ҳаёт ва табиатнинг, ўзи қандай бўлса шундай ёзиш манераси. Музработ даштлари, Кўҳитанг тоғлари, Зарабоғ, Пошхурд, Вандоб каби тоғлар оралиқларидаги қадим-қадим қишлоқлардаги табиий минг йилларча устувор бўлган ҳаёт тарзи қандай эса шундай чатма услуб.

Нодир воқеалар ва қисматлар тугунларини бир-бирига табиий ўнгаштириб, биридан иккинчисини худди илгирга илгандай тортиб чиқариб борадики, ўқувчида ростакам қизиқиш уйғонади, у бошини кўтармай воқеалар, тақдирлар оқими пўртаналарига сел оқизган улоқдай шўнғиб кетади.

Қадим Сурхоннинг Кўҳитанги, Будрачи бўлади-ю, сир бўлмайдими? Нодирнинг қаҳрамонлари табиат қучоғида яшаб, албатта, ундан мўъжиза қидирадилар, мўъжизаларга чин юракдан ишонадилар. Сирли балиқлар, фусункор мовий ёнғоқлар, кўк тошлар, уч юз-беш юз йиллик дарахтлар, юз минг йиллик чумолиларнинг, қушларнинг тилга кириши, одам билан сеҳрсоз мулоқотларда коинот ва кўҳна ҳаёт жозибаларини очишга уринишлар — булар ҳам Нодирнинг табиий бадиий тилида ўз фусункор ечими ва оҳанрабо урғусига эга.

Филжумла, Нодир Норматов "Бир куни чумоли бўлиб...", "Кўктошлар", "Ойтош" каби фусункор ҳикояларида ғайобатга талмеҳ йўсинида ишоратлар қилиб ўтадики, ўқувчи буларни Кўҳитанг асрорангиз табиатининг нозик ҳодисалари каби ўпкаси тўлиб қабул қилади ва холисанилло таъсирланади.

Нодир Норматов ўз асарларининг воқеалари ичида яшаб, болаликдан ўсган, уларни ўз бошидан кечирган, иштирокчи бўлган ва юрагига жуда чуқур сингдирган. Ҳақиқатан ҳам, ёзувчиликнинг тақдири – унинг болалигининг тақдиридир. Биз болалигимиз қандай бўлса шундай ёзувчимиз. Ёзувчи ўз болалигини умрининг охиригача тасарруф қилади. Инсоннинг бошидан кечадиган барча катта-кичик воқеалар болаликнинг нодир хислатига эгадир. Болалик воқеалари алалоқибат шоир-адибнинг доимий илҳом ва завқ манбаига айланади. Нодир асарларида биз бунинг яна бир карра жонли гувоҳи бўламиз.

Нафсламрга, ҳеч ажаб эмасдирки, бир қарашда одми ва дағал, мутлақо йўнилмаган, рандаланмаган бўлиб кўринадиган ранг-баранг ҳодисалар туғма нафосатнинг нафаси текканда мўъжизакорлик мақомига етади ва ўзига рому ошуфта этади.

Ёзувчи, журналист, санъатшунос Нодир Норматовнинг асарлари шундай хусусиятга эга.

Сурхонни билмаган, кўрмаган одамлар ҳам бу асарларни ўқиса, шундай хулосага келадики, дарҳақиқат, бу ўлкада бебаҳо ойтош каби ич-ичидан нурланиб турадиган одамлар яшайди.

Нодир уларга мўъжиза каби қарайди, улар ҳақида ой гардишига қараб, фол очгандай ойбитиклар ёзади.

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

# КУЙЛАР ҚЎШИҒИНИ КУЙЛАЙДИ МАҒРУР



Ўтган асрнинг 80-йилларда Абдужалил Хўжамов исмли шоирнинг шеърларини матбуотда учратиб турардим. У билан бир неча бор учрашиб суҳбатлашгандик ҳам. Ўша пайтда "Ёшлик" журналидаги ҳамкасблар Абдужалил Маршакнинг "Мистер-Твистер" асарини таржима қилибди, бир ўқиб фикрингизни билдирсангиз, дейишди.

Мен "Мистер-Твистер" инглиз болалар адабиётининг намунаси эканлигини ва Маршак уни русчага жуда юксак савияда таржима қилганини билардим. Ичимда, ишқилиб, яхши таржима қилган бўлсин-да, деган хавотир уйғонди. Чунки болалар шеъриятининг айрим нозикликлари, қийин томонлари бўлади. Бола руҳига мос, болалар тилида таржима қилиш, шеърни "сайратиб юбориш" қийин.

Хуллас, таржима билан танишдим. Шеър ўзбекча "сайраган" эди. Таржима ҳақда бир-икки оғиз сўз ёздим, матбуотда чиқди.

Одатда, ким ҳақдадир нимадир ёзган бўлсам, кейин унинг адабиётдаги қадамларини кузатиб бораман, яъни ёзишга ҳақлимидим ё тўғри ёзганмидим, деган маънода.

Шоир Абдул Жалил деган тахаллус билан 1989 йили "Ҳорғин водий" номли шеърлар тўпламини чиқарди. Кейин "Ғам чўғининг япроғи" китоби нашр этилди. Бу китобчалар билан танишган ўқувчи адабиётга ўзига хос майин оҳанг, мазмунан пишиқ мисралари билан кириб келаётган шоирни кўрди. Хусусан, мени, айниқса, Абдул Жалилнинг шахс сифатида ўз қиёфасига эга эканлиги, адабиётнинг бош мақсадларини пухта билиши қувонтирди.

"Ҳорғин водий"даги шеърларда тасвирланган собиқ шўро замонида "кетмончи"ликка маҳкум (*"Қўшиқ айтиш осон, ер чопиш қийин, Унга ярашмайди шўх ифодалар. Қийиндир бир умр тақиб яшамоқ Пешонага маржон тердан шодалар"*), роҳатини кўрмай ишлаётган деҳқон, далалари, ишкомлари пайхон қишлоқлар, бойликлари ташиб кетилаётган юрт ва буларни кўриб, эзилаётган шоир — ҳаммаси юракка яқин эди. Тўпламдаги "Мен самони севдим" сатри билан бошланадиган шеърида ўқиймиз: *"Ҳоридим. Хотирам хиралашмоқда. Йўл эса ялтирар – кўз олар. Ҳамон куз. Мени қор, ёмғир остида Кутмоқда қалтираб ғўзалар"*. Аслида-ку, меҳнат инсонга бахт олиб келади, аммо ҳосилни бошқалар (зоғлар) талаб кетса, бахтдан ном-нишон қоладими? *"Рангдор, тансиқ олмаларини Кўп авайлаб яширар боғлар. Тупроқ титиб оч-ахтариниб, Ишкомларда изғийди зоғлар."*

Шоирнинг назари шоирона бўлмаса ўқувчини жалб эта оладими? Абдул Жалилнинг ҳар бир шеърида шоирона тасвирларни кўриш мумкин: *"Ухлаётган сўқмоқ кўксига кеч куз Тақар япроқлардан ялтироқ тумор."* Куз чоғи сўқмоқлар кўксига тушган япроқлар ялтироқ туморлар, дея шоирнинг қалбидан тўкилган мисралар "Еримни ўзинг асра", "Сўқмоқларим омон бўлсин", деган дуодай одамда теран ҳислар уйғотади.

Нигоҳ

**Бир ажиб майсалар —нозик ва майин —**
**Қоплар қўзиларнинг туёқ изини.**

Бу икки сатрда юртимизнинг аниқ бир манзарасини кўрамиз ва қалбимизда юртга меҳр-эътиборимиз ортади.

*"Шарқираб қуйилган сой Сукунатни бузади. Дарё гувлар, эсар ел, Ой оҳиста сузади. Кифтларин асов тўлқин Қучиб, ўпган дамлари Ёйилиб кетар чилвир Сочининг ўрамлари... Шамоллар чекади оҳ: — Атрофга боққин бир бор, Кўйлагингни соҳилда Кийиб олмиш майсазор."* Шарқираб оққан сой, гувлаётган дарё, ойнинг оҳиста сузиши, шамолларнинг оҳ тортиши каби тасвирларни, албатта, кўп учратганмиз, аммо ел эсганда сув сатҳида юзага келган мавжларни чилвир сочлар ўрамига ўхшатиш, майсазор кўйлагимизни кийиб олиши каби гўзал топилмалар кўнглимизда илиқ ҳиссиётлар уйғотади. Атиги 56 бетлик китобчада юзлаб бу каби нафис топилмаларни кўрасиз.

Абдул Жалилнинг шеърларида инсон маънавиятига оид муҳим тушунчалар – ноҳақлик, сукут, жасорат ва қўрқоқлик ҳақидаги теран ўйларнинг ифодалари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. *"Кимга керак нафс соясида Эзгуликни кўролмаган кўз Ва ҳақиқат ҳимоясида Мангу собит туролмаган сўз?", "Қаршисида хиёнаткорнинг Сукут сақлаш ўзи хиёнат", "Ҳаётнинг тангу тор кўчаларида Юрмагин ҳеч қачон бошингни эгиб. Инграма, собит тур, Букчайма, тик тур. Минг азобда севган онаерингни Куйлар қўшиғингни куйлагин мағрур."*, деб хитоб қилади шоир.

Шундай шоирлар ҳам борки, байтларида бадиий ташбеҳлар, чиройли тимсоллар, гўзал сифатлаш ва ўхшатишлар, бадииятнинг жуда кўп унсурларини кўрасиз, фақат уни фалон юртнинг шоири, деб айтолмайсиз. Чунки она-юрт, мамлакатнинг белгилари шеърларида ярқираб кўриниб турмайди. Абдул Жалилнинг шеърларидаги "илонўти", "туяқорин", "жулғун", "бўтакўз", "кийикўти", "жийда", "ёнғоқ", "узум", "ҳандалак", "пахта", "ғўза", "кетмон" каби сўзлардан унинг ўзбек шоири эканлиги шундоқ билиниб туради. "Зиёрат қилмасдан Бибихонимни Сенинг осмонингдан ўтмайди қуёш", "Самарқандда Умар Хайём чойхонаси", "Бахмал узра бахмалдай осмон", "Хаёлларим учар Зарафшон бўйлаб", "Аждодларнинг сафи кўринган Афросиёб", "Хасти Имом ҳовлисида азон янграр", "Айтар Оқсаройнинг дуволи" сингари жўғрофий номлар учрайдиган мисралар ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Ҳозирги пайтдаги айрим шоирлар, ёш хонандалар айтаётган муҳаббат қўшиқлари бир мунча саёзлашганини, қош-кўзларнинг таърифи ва "ўлдим-куйдим"лардан нарига ўтмаётганини ўйлаганда Абдул Жалил тасвирлаган муҳаббатнинг поклиги кишига сурур бахш этади: *"Титрайман, кафтимга қўнади Сочининг муаттар толаси. Унинг бор шартига кўнади Юрагим – муҳаббат боласи"*. Умуман олганда, шоирнинг ота-онага, ёрга, оилага, дўстга меҳр-муҳаббати билан юртга муҳаббатини бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Абдул Жалил мустақиллик йилларида "Муборак муждалар" номли китобчасини нашр эттирди. Ундаги шеърларда шоир эътиқод, маърифат ва маънавият мавзуларига қўл урган. Чунончи, бир шеърида у халқ ўз етакчиларига холис баҳо бериши кераклиги, улар яратган бунёдкорликларнинг қадрига етиши лозимлигини шундай ифодалайди: *"Тиним билмадилар кундузлар, тунлар, Бу аҳил-иноқлик энди қайда бор? Асли диллларда тик эди устунлар, Юракларда кўчмас эди пойдевор"*. Тўпламдаги бундай сатрлар бугунги кунимизга хизмат қилади, албатта.

Мен Абдул Жалилнинг янги тўпламларини интиқлик билан кутиб қоламан ва унга ижодий ғайрат тилайман.

**Миразиз АЪЗАМ**

# "ОҚ ГУЛ"

Доимий ҳамроҳ

Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган "Оқ гул" деб номланган китобига ўн битта достон жамланган. Бу достонларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида мавзуларга бағишланган. Чунончи, "Қуёш ўлкаси" манзумасида Ватан мадҳ этилса, "Пойга"да қатағон йилларида ноҳақ ўлимга маҳкум этилган юртдошимиз қисмати баён этилади. Достонлар орасида змондошларимиз образлари чизилган асарлар ҳам бор. Масалан, "Юракдаги гап" достони юрак хасталиги билан касалланган беморларни даволаётган андижонлик машҳур шифокор, профессор Сайфиддин Турсуновга бағишланган.




Китобдаги "Оқ гул" достонида таниқли шоира, ҳаёти садоқат ва қаноат тимсолига айланган Саида Зуннунова хотираси қатори Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад сингари устоз адиблар ёдга олинган.

Тўпламга ёзган сўнгсўзида профессор Ҳамидулла Болтабоев таъкидлаганидек, бу достонларнинг "ҳар бири юртимиз кишиларига, уларнинг ижодий ҳалол меҳнатлари самарасига бағишланган".

"Оқ гул" китоби минг нусхада чоп этилган. Нашр масъул муҳаррири филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 237-21-93; 237-16-24 e-mail: _pao@post.uz

